

Навоий ш.

2021 йил "24" 07

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги Кўп хонадонли уйларни мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда иссиқлик таъминоти объектларини қуриш бўйича инжиниринг компанияси ДУК Навоий вилояти ҳудудий филиали томонидан низом асосида раҳбар А.Н.Бўриев бир томондан ва кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "GRAND BUILDING KARMANA" МЧЖ номидан Низом асосида директори \_\_\_\_\_ иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини туздилар.

### I. Шартнома предмети

1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига мувофиқ шартнома бўйича "Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 146а-уйни инжинерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш" объектида қурилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### II. Шартнома бўйича ишлар қиймати.

2. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган тендер натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг (2021 йил "22" 07 даги 3011-сон баённома) қарори билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда ҚҚС билан 162 946 610 (бир юз олтмиш икки миллион туккиз юз қирк олти минг олти юз ун) сўмни ташкил этади.

3. Қурилишнинг шартномавий нархларини ўзгартириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

### III. Пудратчининг мажбуриятлари.

5. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 1-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга "1" иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда иншоот нархидаги ишларни энг камида 50% ни ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

- танлов натижаси бўйича ишлар бошланган кундан эътиборан объектни 60 кунда топшириш;

- қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш тушириш омборга жойлаш ва сақлаш;

- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

- буюртмачини Пудрат шартномалари тузилиши давомида ёрдамчи пудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мазмуни, ёрдамчи пудратчининг номи ва манзили тўғрисида

3 иш куни мобайнида хабардор қилиш;

- ёрдамчи пудратчи билан тузилган шартномалар қиймати ўзгармасдан тузилиши белгилаб қўйилсин.

- қурилиш таваккалчилигини суғурта қилиш.

6. Мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномага имзо чекилгандан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари, асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлари, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;

қурилиш майдонини қуриқланишини таъминлаш;

қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хафсизлигини таъминлаш мажбуриятини олади.

7. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объектнинг Буюртмачига топширилгунга қадар, объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулккий жавоб беради.

#### IV. Буюртмачининг мажбуриятлари

9. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини, объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномага мувофиқ Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш;

- Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

- молиялаштириш жадвали 2 иловага мувофиқ пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб, бир ой давомида пудратчига пудрат ишларини қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

- мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

10. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бундан Буюртмачи пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

#### V. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

11. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдоридан аванс ўтказиши, бу **48 883 983 (қирк саккиз миллион саккиз юз саксон уч минг туккиз юз саксон уч) сўмни** ташкил этади.

12. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (2-илова)

13. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача доирасида амалга оширилади.

14. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 5 фоизи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги узил-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин мазкур шартномада белгиланган қафолатли муддат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фоизигача миқдоридан, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.

#### VI. Ишларни бажариш

15. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

16. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини – Техник назоратчи тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга

оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб ускуналар шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

17. Техник назоратчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун давр мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

18. Пудратчи Техник назоратчи ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник назоратчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича чоралар кўради.

19. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг 71-бандида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

20. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

21. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортиқча тупрок ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

22. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

23. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари ўлчамлари бўлиши ва уларнинг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган ва геодезия ишларида хатолар аниқланса Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

24. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларнинг жойлаши схемаларини ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатномани бўйича Буюртмачига беради.

25. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

26. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва коммуникация тизимлари сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

27. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитилган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилишни бошлашдан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва бошқа тегишли ташкилотларни ёзма равишда хабардор қилади.

28. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан маъсул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг қурилиш соҳасида назорат инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

29. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига ёзув киритилган ҳолда кейинги ишларни бажаришга киришади.

30. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларга жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исоблатласа жавобгар ҳисобланмайди.

31. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келшилган муддатда

кайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 30 бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

32. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ ҳудудларни, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларини тозалайди ва озода саклайди, қурилиш даврида майдонда қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

33. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунча Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларни бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмасилиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини ўз зиммасига олади.

## **VII. Ишларини қўриқлаш**

34. Пудратчи объектнинг Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудидаги материаллар, асбоб-ускуналар қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада қўриқланишини таъминлайди.

35. Тикланган бино ва иншоотлар шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулклар объект қабул қилиб олингандан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **VIII. Енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари**

36. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтда мутаносиб равишда узайтирилади.

37. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойда кўп вақтда чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қиладилар.

38. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **IX. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш**

39. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиши тугалланган объектни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

40. Объектни фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ёзма билдиришномасини Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

41. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан беш кун олдин мазкур шартноманинг IV бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгилаган таркибдаги икки нусха ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу

хужжатлар тўпламини амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

42. Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

## **X. Кафолатлар**

43. Пудратчи:

- барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажаришни;

- лойиҳа хужжатлари ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларга мувофиқ бажарилган барча ишлар сифатини;

- ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва коммуникация тизимлари сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларига давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

- ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилинишни;

объектдан фойдаланганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарининг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

44. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолат муддати томонлар қурилиши тугалланган объектнинг қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолат муддати камида 24 ой этиб белгиланади.

45. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, уни бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириши имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

46. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномаларида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишларидаги нуқсонлар, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг V-бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

47. Пудратчи нуқсонлар ва камчиликлар ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош торган тақдирда, ушбу масала Навоий вилоят иқтисодий судида кўриб чиқилади.

## **XI. Шартномани бекор қилиш**

48. Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

- ишларни тугаллашнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кечиктирилган ҳолда,

- пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

- пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидалари назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

49. Пудратчи:

- ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

- буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

- қонун хужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

50. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

51. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

52. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

53. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, конун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

## **XII. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги**

54. Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажарилмаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарни тўлайди;

- Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа конун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

55. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молияштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятининг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

56. Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

57. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортилганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлаши рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,2 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

58. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

59. Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,1 фоиз миқдориди пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

60. Пеня тўлаш Пудратчини ишларини бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод этмайди

61. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, ишчи ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса у ҳолда Буюртмачи қурилиш соҳасида назорат инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиш, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдориди ундириш ҳуқуқига эга.

62. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

63. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод этмайди.

## **XIII. Низоларни ҳал этиш тартиби**



**Объектда бажариладиган қурилиш-монтаж ишлари  
ЖАДВАЛИ**

1-илова

Ишлар тури ва номи	Ишлар ҳажми	Қиймати	2021 йил учун қурилиш қиймати												Ишлар тури қийматининг жами	
			1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак				
			январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр		
Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 146а-уйни инжинерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш		162 946 610											48 883 983	114 062 627		162 946 610

Ишларнинг номи ва тури ҳар бир аниқ ҳолда иншоотнинг хусусиятларига қараб аниқлаштирилади.  
1. Мазкур жадвал шартнома (контракт)нинг иловаси ҳисобланади ва унинг ажралмас қисми деб қаралади.  
2. Келгуси йиллардаги қурилиш ишлари учун ҳам шундай график тузилади.

БУЮРТМАЧИ:  
Раҳбар  
М.Ў.



ПУДРАТЧИ:  
Раҳбар  
М.Ў.



2-илова

**“Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 146а-уйни инжинерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш” (босқичларга бўлган ҳолда) бўнак ва жорий молиялаштиришни ҳисобга олган ҳолдаги молиялаштириш жадвали**

Молиялаштириш шarti	2021 йил учун қурилиш қиймати											
	ойлар											
	январ	феврал	март	апрел	май	июн	июл	август	сентябр	октябр	ноябр	декабр
30 % бўнак(аванс) тўлови										48 883 983		
65 % бажарилган ишлар далолатномаларига асосан											105 915 296,50	
5 % тўлов кафолат муддати туғганидан сўнг										8 147 331		


Изоҳ: молиялаштириладиган маблағлар қиймати ва ойларига ЎзР ВМ 23-сон қарорига асосан НКМК га буюртмачи томонидан тўловга тақдим этилган ҳужжатларга асосан, буюртмачи ҳисоб рақамига келиб тушган маблағлар миқдорига мундариқ ўзгариши мумкин.

БУЮРТМАЧИ:  
Раҳбар  
М.Ў.



ПУДРАТЧИ:  
Раҳбар  
М.Ў.





"КЕЛИШИЛДИ"  
 Ўзбекистон Республикаси  
 Уй-жой коммунал хизмат курсатиш  
 вазирлигининг ўринбосари  
 Н.Назиров  
 2021 й.



"ТАСДИҚЛАЙМАН"  
 Навоий вилоят ҳокими  
 К.Б.Турсунов  
 2021 й.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 январдаги "Навоий кон-металлургия комбинати" давлат корхонасининг соҳага оид бўлмаган, ишларни олиб қочириш жараёنларига жалб этилмаган активларидан самарали фойдаланишни ташкил этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 23-сонли қарорнинг 8-бандига асосан НКМК ДК тасарруфидан бўлган кўп қаватли уй-жойларда амалга ошириладиган таъмирлаш ишлар юзасидан 2021 йил учун  
**М А Н З И Л Л И Д А С Т У Р**

Т/р	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бошланиш ва фойдаланиш-га топшириш йили	Фасад қисмини, инженерлик коммуникация тармоқларини мукаммал таъмирлаш ишлари		2021 йил жами кўрсаткичлари	Қурилиш монтаж ишларининг умумий қиймати	шу жумладан			Топшириш муддати	Ажратилган маблагни ўзлаштириш	Экспертиза хулосаси расмини на санаси	Тендер (танлов)лар натижасига бўйича бېғинов рақами ва санаси	Қурилиш оудрат таъкилот номи
			дона	минг сум			Жами буюртмачининг харажатлари	Лойиҳа-смета ва экспертиза харажатлари	Буюртмачининг саклаш харажати					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	15
1	Навоий шаҳар Ломоносов кўчаси 10-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	211 021 538	211 021 538	199 415 353	11 606 185	4 220 431	7 385 754	50	211 021 538	№7351 27.04.2021 йил	№ 2702 13.07.2021 й	"INDUSTRY FINANCE TRADE" МЧЖ
2	Навоий шаҳар И.Қариёмов кўчаси 102-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	303 625 060	303 625 060	286 925 682	16 699 378	6 072 501	10 626 877	45	303 625 060	№7351 27.04.2021 йил	№2759 26.07.2021 й	"ZARAFSHON BEST BUILD" МЧЖ
3	Навоий шаҳар И.Қариёмов кўчаси 104-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	301 646 904	301 646 904	285 056 324	16 590 580	6 032 938	10 557 642	55	301 646 904	№7351 27.04.2021 йил	№ 2760 2021-07-20	"TEMURBEK QURILISH SERVIS" МЧЖ
4	Навоий шаҳар И.Қариёмов кўчаси 106-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	121 422 137	121 422 137	114 743 919	6 678 218	2 428 443	4 249 775	55	121 422 137	№7351 27.04.2021 йил	№ 2761 14.07.2021 й	"NAVOIY ELEKRON" МЧЖ
5	Навоий шаҳар И.Қариёмов кўчаси 110-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	300 176 630	300 176 630	283 666 916	16 509 715	6 003 533	10 506 182	55	300 176 630	№7351 27.04.2021 йил	№ 2765 15.07.2021 й	"SHAVKATBEK NAVOI" МЧЖ
6	Навоий шаҳар Галаба шох кўчаси 153-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	361 573 636	361 573 636	341 687 086	19 886 550	7 231 473	12 655 077	50	361 573 636	№7351 27.04.2021 йил	№ 2768 14.07.2021 й	"FAZILAT AVTO SERVIS" МЧЖ
7	Навоий шаҳар Низомий кўчаси 14-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	308 988 631	308 988 631	291 994 256	16 994 375	6 179 773	10 814 602	45	308 988 631	№7351 27.04.2021 йил	№ 2770 14.07.2021 й	"HAZORA NON SAVDO" ХК
8	Навоий шаҳар Ломоносов кўчаси 12-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	211 488 374	211 488 374	199 856 513	11 631 861	4 229 767	7 402 093	40	211 488 374	№7351 27.04.2021 йил	№ 2778 23.07.2021 й	"TAMIRLASH TIKLASH XIZMATI" ДУК
9	Навоий шаҳар Ломоносов кўчаси 12а-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	211 508 368	211 508 368	199 875 408	11 632 960	4 230 167	7 402 793	50	211 508 368	№7351 27.04.2021 йил	№ 2779 13.07.2021 й	KUSARAVON MOXIR TAMIR ХК
10	Навоий шаҳар М.Улугбек кўчаси 2-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	177 029 592	177 029 592	167 292 964	9 736 628	3 540 592	6 196 036	55	177 029 592	№7351 27.04.2021 йил	№ 2780 14.07.2021 й	"NAVOIY ELEKRON" МЧЖ
11	Навоий шаҳар Галаба шох кўчаси 109-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	210 269 846	210 269 846	198 705 004	11 564 842	4 205 397	7 359 445	55	210 269 846	№7351 27.04.2021 йил	№ 2781 14.07.2021 й	"TEMURBEK KAPITAL SERVIS" МЧЖ
12	Навоий шаҳар Галаба шох кўчаси 111-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	205 730 617	205 730 617	194 415 433	11 315 184	4 114 612	7 200 572	55	205 730 617	№7351 27.04.2021 йил	№ 2783 14.07.2021 й	"TEMURBEK KAPITAL SERVIS" МЧЖ
13	Навоий шаҳар И.Қариёмов кўчаси 97а-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	216 599 046	216 599 046	204 686 098	11 912 948	4 331 981	7 580 967	40	216 599 046	№7351 27.04.2021 йил	№ 2787 14.07.2021 й	"BIRLASHGAN ENERGIYA XIZMATI" МЧЖ
14	Навоий шаҳар И.Қариёмов кўчаси 97б-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	210 281 130	210 281 130	198 715 668	11 565 462	4 205 623	7 359 840	40	210 281 130	№7351 27.04.2021 йил	№ 2788 23.07.2021 й	"TAMIRLASH TIKLASH XIZMATI" ДУК
15	Навоий шаҳар И.Қариёмов кўчаси 97в-уйни инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукаммал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	210 247 788	210 247 788	198 684 160	11 563 628	4 204 956	7 358 673	55	210 247 788	№7351 27.04.2021 йил	№ 2789 14.07.2021 й	"TEMURBEK KAPITAL SERVIS" МЧЖ

T/r	Объектлар номи ва манзили	Қурилиш бошланиш ва фойдаланиш-га топилиш йили	Фасад қисмини, инженерлик коммуникация тармоқларини мукамал таъмирлаш ишлари		2021 йил жами капитал қўйималар	Қурилиш монтаж ишларининг умумий қиймати	шу жумладан			Топилиш муддати	Ажратилган маблагини улаштириш	Экспертиза тўловаси расми ва санои	Тендер (таъло)лар натижасига бундан бешинчи расми ва санои	Қурилиш нуқрат таъминот номи
			лева	миг сум			Жами буюртмачининг харажатлари	Лейҳа-смета ва экспертиза харажатлари	Буюртмачининг санои харажати					
16	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 99С-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	208 381 797	208 381 797	196 920 798	11 460 999	4 167 636	7 293 363	55	208 381 797	№7351 27.04.2021 йил	№ 2796 14.07.2021 й	"QIZILTEPA KAPITAL QURILISH" MЧЖ
17	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 101а-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	208 687 548	208 687 548	197 209 733	11 477 815	4 173 751	7 304 064	55	208 687 548	№7351 27.04.2021 йил	№ 2797 14.07.2021 й	"NAVOIY BUNYODKOR AVTO SERVIS" MЧЖ
18	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 142а-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	173 644 592	173 644 592	164 094 139	9 550 453	3 472 892	6 077 561	50	173 644 592	№7351 27.04.2021 йил	№ 2799 23.07.2021 й	"MARS-2000" MЧЖ
19	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 144а-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	172 457 740	172 457 740	162 972 564	9 485 176	3 449 155	6 036 021	50	172 457 740	№7351 27.04.2021 йил	№ 2803 23.07.2021 й	"MARS-2000" MЧЖ
20	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 146-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	356 385 760	356 385 760	336 784 543	19 601 217	7 127 715	12 473 502	45	356 385 760	№7351 27.04.2021 йил	№ 2804 26.07.2021 й	"NAVOIY MELIORASIYA" MЧЖ
21	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 148а-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	172 430 253	172 430 253	162 946 589	9 483 664	3 448 605	6 035 059	50	172 430 253	№7351 27.04.2021 йил	№ 2806 23.07.2021 й	"MARS-2000" MЧЖ
22	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 150а-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	172 360 468	172 360 468	162 880 642	9 479 826	3 447 209	6 032 616	60	172 360 468	№7351 27.04.2021 йил	№ 2807 13.07.2021 й	"NAVOIY MUXANDIS" XK
23	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 152а-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	172 367 694	172 367 694	162 887 471	9 480 223	3 447 154	6 032 869	55	172 367 694	№7351 27.04.2021 йил	№ 2809 14.07.2021 й	"BAHROMBEK KELAJAGI" XK
24	Навоий шаҳар И.Каримов кўчаси 140-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	177 629 048	177 629 048	167 859 450	9 769 598	3 552 581	6 217 017	55	177 629 048	№7351 27.04.2021 йил	№ 2811 14.07.2021 й	"BAHROMBEK KELAJAGI" XK
25	Навоий шаҳар М.Улутбек кўчаси 5-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	330 877 311	330 877 311	312 679 059	18 198 252	6 617 546	11 580 706	55	330 877 311	№7351 27.04.2021 йил	№ 2817 14.07.2021 й	"BAHROMBEK KELAJAGI" XK
26	Навоий шаҳар Галаба шох кўчаси 210-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	234 780 652	234 780 652	221 867 716	12 912 936	4 695 613	8 217 323	55	234 780 652	№7351 27.04.2021 йил	№ 2819 14.07.2021 й	"TEMURBEK KAPITAL SERVIS" MЧЖ
27	Навоий шаҳар Галаба шох кўчаси 214-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	235 170 837	235 170 837	222 236 441	12 934 396	4 703 417	8 230 979	55	235 170 837	№7351 27.04.2021 йил	№ 2829 14.07.2021 й	"TEMURBEK KAPITAL SERVIS" MЧЖ
28	Навоий шаҳар Галаба шох кўчаси 216-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	385 368 387	385 368 387	364 173 126	21 195 261	7 707 368	13 487 894	55	385 368 387	№7351 27.04.2021 йил	№ 2830 20.07.2021 й	"TEMURBEK QURILISH SERVIS" MЧЖ
29	Навоий шаҳар Галаба шох кўчаси 210а-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	169 943 122	169 943 122	160 596 250	9 346 872	3 398 862	5 948 009	55	169 943 122	№7351 27.04.2021 йил	№ 2831 14.07.2021 й	"BAHROMBEK KELAJAGI" XK
30	Навоий шаҳар Галаба шох кўчаси 212-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	161 893 484	161 893 484	152 989 342	8 904 142	3 237 870	5 666 272	55	161 893 484	№7351 27.04.2021 йил	№ 2832 14.07.2021 й	"BAHROMBEK KELAJAGI" XK
31	Навоий шаҳар Меъморлар кўчаси 16а-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	265 919 799	265 919 799	251 294 210	14 625 589	5 318 396	9 307 193	55	265 919 799	№7351 27.04.2021 йил	№ 2833 15.07.2021 й	"NAVOIY SAVDO YUKSALISH" XK
32	Навоий шаҳар Меъморлар кўчаси 20а-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	162 717 324	162 717 324	153 767 871	8 949 453	3 254 346	5 695 106	60	162 717 324	№7351 27.04.2021 йил	№ 2834 2021-07-13	"INDUSTRY FINANCE TRADE" MЧЖ
33	Навоий шаҳар М.Таробий кўчаси 127а-уйин инженерлик коммуникация тармоқлари ва фасад қисмини мукамал таъмирлаш	2021-2021 йил	1	170 477 431	170 477 431	161 101 172	9 376 259	3 409 549	5 966 710	35	170 477 431	№7351 27.04.2021 йил	№ 2836 23.07.2021 й	"QIZILTEPA COTTON TRANS" MЧЖ
